



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Холбеков Муҳаммаджон
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Главный редактор:
Холбеков Мухаммаджон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Editor in Chief:
Kholbekov Muhammadjan
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Тўхтасинов Илҳом
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:
Тухтасинов Илхом
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Deputy Chief Editor
Tuhtasinov Ithom
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Таҳрир ҳайъати:

Редакционная коллегия:

Editorial Board:

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Боқиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Балтабаев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Юсупов Ойбек
масъул котиб, доцент
(Ўзбекистон)

Юсупов Ойбек
доцент (Узбекистан)
отв. секретарь

Yusupov Oybek
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior
Secretary

Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Тилшунослик / Языкознание / Linguistics

- 1.Карабаева Б.Б.**
КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ИЛМИЙ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....5
- 2.Мавлонов О.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕОЛИНГВИСТИКА.....11
- 3.Маннонова С.А.**
РАСМИЙ ХАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
СУБЖАНРЛАРИ.....19
- 4.Мўминова Д.А.**
ДЕЙКСИСНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИ.....26
- 5.Тоирова Д.Ф.**
ЭМИЛЬ ЗОЛЯНИНГ АСАРЛАРИДА КУНЛИК ФАОЛИЯТНИ ТАҲЛИЛ
ЭТИШ.....38
- 6.Shukurova В.В.**
NAZAR ESHONQUL NIKOYALARIDA KONTRAST USULINING
AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY ASPEKTLARI.....45

Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

- 7.Жуманова Д.Қ.**
МУМТОЗ ҲАЗАЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ.....52
- 8.Назаров С.Ҳ.**
Й.В.ГЁТЕ "ФАУСТ" АСАРИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРА ТАҲЛИЛИ.....58
- 9.Шофиев О.**
ЎЗ МУҲИТИГА СИФМАГАН ОДАМ ОБРАЗИ (Эркин Аъзам ижоди мисолида)..66
- 10.Юлдашева Д.М.**
СИНТАКТИК ТАКРОРЛАРНИНГ БАДИИЙ- ЭСТЕТИК ИМКОНИЯТЛАРИ..75

Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

- 11.Муҳамедов Х.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИНГ ФАН СИФАТИДА
ШАКЛЛАНИШИ (ҲАЙБУЛЛА САЛОМОВНИНГ "ТИЛ ВА ТАРЖИМА"
МОНОГРАФИЯСИ МИСОЛИДА).....81


МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

12. Гулямова Г.Я. БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОД ХУСУСИЯТИ.....	87
13. Мирзаахмедова М.Й. ТАРЖИМА ИЛМИ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАР.....	94
14. Улмасбаева М.А. КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ.....	105
Санъат ва журналистика/ Искусство и Журналистика / Arts and Journalism	
15. Музаффарова С.Х. МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА СЎЗ, МУСИҚА ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги мисолида).....	113
16. Мусаева Н.А. ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕК-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ("БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА).....	118
17. Ходжиматова М.К. СЎЗ САНЪАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ.....	123
18. Ибрагимова У. ЖОНЛИ СЎЗНИНГ САҲНАВИЙ ИФОДАВИЙЛИГИ.....	129
Лингводидактика ва методика/ Лингводидактика и методика/ Linguodidactics and methodology	
19. Зоирова Д.А. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ-КУМУЛЯТИВ МЕТОД АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	135
20. Иканова Л.С. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ОНА ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	145
21. Хасанова Д.К. ХАЛҚАРО PIRLS БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ЎҚИШ ВА ЁЗУВ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИ.....	152
22. Имамова У.М. ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	162

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Маннонова Саодат Артиковна,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси

РАСМИЙ ХАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА СУБЖАНРЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-5-3>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада расмий хатларнинг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятлари тадқиқ этилади. Муаллифнинг таъкидлашича, расмий хатларни ёзишдан асосий мақсадга эришиш учун хат муаллифи ва юборилувчининг ўзаро муносабати, улар эгаллаб турган ижтимоий мавқеи, жинси каби жиҳатлар муҳим ўрин тутди.

Мақолада расмий хатларни нутқий мулоқотнинг алоҳида бир жанри сифатида қараш мумкинлиги таъкидланади.

Калит сўзлар: лингвистик, экстралингвистик, функционал стилистика, стандартлаштирилган, унификацияланган, перлокутив, субжанр, адресат, адресант.

Маннонова Саодат Артиковна,
Преподаватель Узбекского государственного университета мировых языков

ОСОБЕННОСТИ И СУБЖАНРЫ ОФИЦИАЛЬНЫХ ПИСЕМ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются лингвистические и экстралингвистические особенности делового письма. Автор статьи утверждает, что следующие факторы влияют на достижения цели, поставленные перед написанием делового письма: отношения между адресатом и адресантом, их социальный статус, пол и т.п.

В статье утверждается, что деловые письма могут быть рассмотрены как отдельный субжанр речевого акта.

Ключевые слова: лингвистический, экстралингвистический, функциональная стилистика, стандартизованный, унифицированный, перлокутив, субжанр, адресат, адресант.

Mannonova Saodat Artikovna,
Teacher of Uzbek State World Languages University

PECULIARITIES AND SUB GENRES OF OFFICIAL LETTERS

ANNOTATION

The present article is dedicated to the analysis of linguistic and extralinguistic peculiarities of business letters. The author of the article emphasizes that the following factors are important ones in achieving the goal of writing a business letter: relations between the sender and the receiver, their social status and gender.

It is emphasized in the article, that business letters can be regarded as separate sub genre of speech act.

Key words: linguistic, extralinguistic, functional stylistics, standardized, unified, perlocutive, sub genre, addressee, addresser.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг яқин ва узоқ хориж давлатлари билан икки томонлама ҳамкорлик алоқалари жадал ривожланиб бормоқда. Юртимиз ва хориж давлатлари ўртасида турли соҳаларда, шу жумладан бизнес соҳасида ҳам икки томонлама манфаатли алоқалар йўлга қўйилмоқда. Шу сабаб бизнес соҳасининг турли лингвистик хусусиятларини тадқиқ этиш долзарблик касб этмоқда. Тадқиқотчилар томонидан бизнес матни яхши ўрганилиб, функционал стилистика нуқтаи назаридан батафсил тадқиқ этилган [2; 3; 4; 5; 10]. Лекин ижтимоий ўзгаришларга боғлиқ ҳолда бўлаётган илмий парадигмалардаги ўзгаришларга мос равишда илмий тадқиқот олиб бориш билан боғлиқ қийинчиликлар тилшунослик, жумладан анъанавий функционал стилистика соҳасида юзага чиқмоқда. Бунинг натижасида ҳозирги кунда нафақат бизнес матнининг стилистик хусусиятларини ўрганишга, балки бундай турдаги матнларнинг коммуникатив ва прагматик жиҳатларини, шунингдек уларни нутқ жанрлари нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этишга қизиқишнинг ортиши кузатилмоқда. Нутқ жанрининг типологияси ва уларнинг структуриал хусусиятлари, уларнинг стереотип даражаси ва табиати, композициясининг ўзига хослиги каби жиҳатлар ҳам тадқиқотчилар эътиборини тортмоқда. Бизнеснинг турли соҳаларида турли хил нутқ жанрлари (турли функционал услублар), ҳар бир функционал учун аниқ, асосий тушунчаси услуби, нутқ жанрлари, матн таркиби масаласини янада чуқур ўрганиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

В.А. Салимовский нутқ жанларининг "экстралингвистик" асоси масаласини таъкидлайди, семантик тизимнинг шартланганлиги, матнни ташкил қилишнинг юза структураси ва бошқалар сўзловчининг ижтимоий-маънавий ҳолати, шунингдек матн муаллифининг мулоқот мақсади, мулоқот шароити каби жиҳатлар бизнес нутқи жанрининг семантик ва стилистик хусусиятларини белгилаб беришини таъкидлайди [6].

Хатнинг расмий функциясининг асосий хусусиятларидан бири бу - бизнес услубидаги матн шакли ва мазмунининг стандартлаштирилган ва унификациялаштирилган хусусиятга эгалигидир. Шунингдек бундай турдаги матнларда тушунчалар ифодаланишининг аниқлиги, ўзига хос терминологик лексиканинг қўлланилиши, амалий натижаларга эришишга мақсадли йўналтирилганлик ва маълум бир муддатга тегишлилиги каби хусусиятлар ҳам бундай турдаги матнларга

хосдир.

Нутқ жанрлари назарияси нуқтаи назаридан расмий хатлар нутқий хулқнинг алоҳида бир стереотипи сифатида қаралиши мумкин. Шу билан биргаликда, бу турдаги хатлар матнлари нисбатан барқарор, тузилиши ва стилистик жиҳатлари билан асрлар давомидаги тажрибадан келиб чиқиб танланган, коммуникатив вазиятларга мувофиқ бўлган, юборувчи ва қабул қилувчининг барча параметрларини ўз ичига олган ҳолда тузилган матн ҳамдир.

Мулоқот мақсади - расмий хатларнинг жанрларига хос бўлган нутқни шакллантиришнинг ҳал қилувчи элементиدير. Одатда, мураккаб тузилмани расмий хатларнинг матни мулоқот мақсади нуқтаи назаридан иерархик шакл ва шунга мувофиқ нутқ жанрининг субжанрларига, яъни бир акт билан боғлиқ бўлган жанр шаклларига мос равишда тузилади.

Расмий хатлар адресатининг адресант билан бўлган ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатлари хат матнида тўғри мулоқот мақсадини танлаш, қабул қилувчига таъсир ўтказиш учун самарали бўлган усуллардан фойдаланиш муҳимдир. Бунинг натижасида перлокутив таъсир, яъни бизнес соҳасидаги муваффақиятли мулоқотни амалга оширишдан асосий мақсадга эришиш учун асос яратилади.

Биз бизнес соҳасига оид ҳар хил турдаги расмий хатларнинг бизнес услуби сифатидаги ўзига хос услубини яратишнинг қуйидаги хусусиятларини фарқлаймиз:

1. Стандартлаштириш - турли хилдаги стандартлар, шаблонлар, маълумот етказишнинг стереотип ва унификацияланган шакллари, ҳамда кўп сонли лексик ва синтактик клишеларнинг мавжудлиги;

2. Соҳага оид тушунчаларнинг аниқлиги, яъни мазкур тушунчаларнинг бошқача талқин этилиши эҳтимолининг камлиги;

3. Ҳақиқий, юзага келиши мумкин бўлган ҳодисаларни тақдим этишнинг ўтмишдаги, ҳозирги ва келажакдаги ишбилармонлик алоқалари тажрибасидан келиб чиқиб амалга оширилиши;

4. Соҳадаги хизмат муносабатларнинг маълум бир шахсга йўналтирил- маганлик табиати, муаллифнинг ҳужжат мазмунига бўлган ҳиссиётга асосланмаган, ҳамда субъектив бўлмаган муносабати;

5. Ҳужжатларни расмийлаштиришнинг аниқ мақсадга қаратилган амалий йўналишда йўлга қўйилиши;

6. Зарур бўлган ҳолатларда ҳужжатнинг амал қилиш муддати, бошқа саналарнинг аниқ берилиши [2, 395с].

М.М. Бахтиннинг сўзларига кўра, услубни ўрганиш биринчи навбатда зарур бўлган нутқ жанрларини ўрганиш, услубнинг жанрлардан ажратилишига йўл қўймаслик, ҳамда тил услубидаги ўзгаришларнинг реал ҳаётдаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши лозим бўлади. "Тил ёки функционал услублар инсон фаолияти ва мулоқот соҳаларини акс эттирувчи маълум турдаги жанрлар, деб қаралиши мумкин. Ҳаётнинг ҳар бир соҳасида маълум бир жанрга мос ҳолда муносабатлар ўрнатилади; шу аснода мазкур соҳанинг ўзига хос шартларига жавоб берадиган жанрларга асосланган ҳолда маълум бир тил усуллари юзага чиқади" [1, 306с].

Н.И. Формановскаянинг таъкидлашича, нутқ актлари назариясига кўра, "диалог нутқига хос луқма ташлашлар, ҳарбий буйруқлар ва шунга ўхшаш бошқа матнларни нутқ (коммуникатив) актлари деб қаралиши лозим. Тил жанрларига эса одатий, стандартлаштирилган ва маълум бир мақсадга эришиш мақсадида тузилган

матнларни киритиш мумкин ва булар функционал услублар билан бевосита боғлиқ ҳолатда бўлади"[9, 160с].

Яқинда янги илмий фанга айланган жанршуносликнинг предмети бўлмиш "нутқ жанри" атамасига ҳалигача аниқ таъриф берилмаган.

Т.В. Шмелева нутқ жанри муаммоларига бўлган учта ёндашувни ажратиб кўрсатади: лексик, услубий ва нутқ билан боғлиқ. Шу ўринда муаллиф нутқ жанрларининг етти параметрни ўз ичига олган моделга асосланган шарҳини тақдим этади: нутқ жанрларининг тўрт тури (информатив, императив, этикетга оид, баҳоловчи)ни бир-бирига қарши қўювчи мулоқот мақсади, муаллиф образи, адресатнинг образи, ўтмиш ва келажак тасвири; диктум (воқеавий) мазмуннинг тури ва унинг тилда акс эттирилиши [10, 167с].

Биз тадқиқотимизда Тарасенконинг нутқ жанрларини ташкил қилувчи белгилар назариясига таянамиз [9,160с]. Улар қуйидагилардир: мақсадга йўналтирилганлик, яхлитлик ва тўлиқлик; муаллиф ва адресатнинг ўзаро муносабати; семантик жиҳатдан тўлиқлик, олдинги ва кейинги жумлалар билан боғлиқлик ва одатий такрорланадиган жанр шакли.

Расмий хатларни тайёрлашда муаллиф хатнинг мулоқотга оид бўлмаган ва коммуникацион мақсадни кўзлаган мақсадини аниқлаштириб олган бўлиши керак. Шунингдек, хат муаллифи ўзининг мулоқот мақсади нимага асосланганини, қандай мазмун ва юкламадаги ахборотни адресатга етказмоқчи эканлигини ва бу ахборотни қандай тил бирликлари ёрдамида етказмоқчилиги, ва хатга қандай жавоб олишни режаллагани каби жиҳатлар ҳам муҳим ҳисобланади. Кейинчалик, воқеаларнинг қандай кечишини ва келажакда нима юз бериши мумкинлигини режалаштириш жараёни кечади. Бу ўринда адресатнинг юборилган матнни қандай тушуниши ва унга қандай муносабатда бўлиши назарда тутилади. Бошқача айтганда, хат муаллифи унинг матнини тайёрлаш жараёнидан олдин маълум бир маънода адресат билан хаёлан мулоқот қилади ва шу аснода хатга нисбатан келажакда олинадиган жавоб матнига таъсир ўтказиши. Муаллиф ўз режасига кўра нима бўлиши мумкинлигини ёдда тутган ҳолда, хат матнига мос бўлган тил бирликларини танлайди.

Хатнинг матнида муаллифнинг бир нечта мулоқот мақсади жойлашиши мумкин. Шу асосда, хатни бир нечта мазмунли қисмларга бўлиш ва уларни субжанрлар сифатида кўрсатишимиз мумкин.

Биринчи марта "субжанр" тушунчаси тил жанрларига оид тадқиқотлар назариясида К.Ф. Седов томонидан термин сифатида қўлланилган [7]. Тил жанрларида ишлатилувчи мақсадга эришиш учун қўлланиладиган мулоқот шакллари асосланиб тил субжанрларини аниқлаш мумкин.

Нутқ жанрларининг типологияси масаласи жанршунослик соҳасидаги асосий, ҳал қилинмаган муаммолардандир. Нутқ жанрлари турли хил хусусиятларга кўра таснифланади. Улар асосий ва иккинчи даражали, информатив ва фактик ҳамда бошқа жанрлардир [6]. К.Ф. Седовга таянган ҳолда, биз расмий хатларнинг мустақил ва маънодор қисмларини субжанрлар деб атаёмиз.

Нутқ актлари, ҳамда нутқ жанрлари назариясида асосий ўрин тутувчи мулоқот мақсади - мазкур таснифлашнинг асосий мезони ҳисобланади. Хат матнида муаллифнинг бир мулоқот мақсадлари жойлашиши мумкин; улар орасида асосий (ёки бир нечта асосий) ва иккинчи даражали бўлган мақсадлар бўлиши мумкин. Айнан шу аснода, хат мазмунини бир нечта субжанрларга бўлиш мумкин бўлади.

Масалан:

*Генеральному директору
ТОО Фирмы "ТИХИЙ ОКЕАН"*

Уважаемый г-н Ли Сяо!

Поздравляем Вас и весь китайский народ с успешным завершением первого пилотируемого полета в космос тайкунавта Ян Ливэя на корабле "Шэнь-чжэоу-5".

Одновременно напоминаем, что для достижения мировых вершин не только в космосе, но и на море нам необходимы данные по членам делегации Института навигационных технологий для оформления приглашений.

Директор НИИ НУ

А.А. Сергеев

Мазкур хатда иккита субжанр тури мавжуд: табрик ва эслатмалар. Хатнинг биринчи қисмида муаллиф адресатга бўлган муносабатидан келиб чиқиб муносабат билдирмоқда. Иккинчи қисмда эса хат ёзишдан асосий мақсад билдирилмоқда.

Расмий мулоқотга оид матнларда мулоқот мақсади аниқ, адресатга тушунарли қилиб ифодаланган бўлиши талаб этилади. Бундай турдаги матнларда қочирим, фикрни айлантириб тушунтириш ва шунга ўхшаш матнлар бўлиши керак эмас. Эксплицит тарзда ифодаланган мулоқот мақсади перформатив предикатлар (Н.И. Формановская термини) ёрдамида ифодаланади.

Расмий хатлар муаллифи ўзи ва адресат ўртасидаги ижтимоий муносабатларни яширин (имплицит) равишда ифодалаши мумкин. Хат муаллифи адресат билан ижтимоий мавқеи жиҳатидан ёки тенг, ёки тенг бўлмаган шахс сифатида муносабатга киришиши мумкин. Бу турдаги хатлар матни таҳлили кўрсатганидек, бундай ҳолатларда биз нафақат хат жўнатувчининг, балки уни қабул қилувчининг ҳам ижтимоий мавқеи ҳақидаги бир қанча маълумотларга эга бўлишимиз мумкин. Хизмат хатлари матнини шакллантиришда асосан хат жўнатувчи ва қабул қилувчининг доимий ифодаланадиган хусусиятлари - жинси, ёши, маълумоти, касби, лавозими каби ўзгариб турувчи хусусиятлари инобатга олинishi кузатилди.

Расмий хатлар таҳлили жараёнида қуйидаги жиҳатлар аниқланди: "илтимос" шаклидаги мулоқот мақсади "шикоят билдириш", "ўпқалаш", "норозилик", "узр сўраш", "розилик билдириш", "таклиф бериш", "хабар бериш", "таклиф қилиш" каби тушунчалар билан биргаликда ифодаланиши мумкин. Бу турдаги мулоқот мақсади қуйидаги усуллар орқали ифодаланади: буйруқ майлидаги ёки феълнинг ноаниқ шакли (хабар беришингиз, аниқлаштиришингиз, тасдиқлаб беришингиз) + "илтимос қилмоқ, сўрамоқ" маъносини берувчи феълнинг тегишли шакли, Масалан: Мазкур ҳолатни аниқлаштириб беришингиз сўралади, каби.

"Миннатдорчилик билдириш" маъносидаги мулоқот мақсади "шикоят", "гина қилиш", "танбеҳ бериш" кабилардан ташқари деярли барча мақсадлар билан бирикиб келиши мумкин. Бироқ, бу турдаги мулоқот мақсади айрим ҳолларда асосий мулоқот мақсадига эришиш учун хизмат қилувчи, яъни мулоқот этикетига хос бўлган, ёки бирор мақсадга эришиш учун асосий мақсад сифатида ҳам келиши мумкин. У тил воситалари ёрдамида қуйидагича ифодаланиши мумкин: "миннатдорчилик билдириш" перформатив шаклидаги феъл ёки "миннатдор" сифатининг қисқа шакли ёрдамида (биз сизнинг ёрдамингиздан миннатдормиз каби).

"Тилак билдириш" маъносидаги мулоқот мақсади, худди "миннатдорчилик билдириш" мақсади каби, "гина қилиш", "танбеҳ бериш", "даъво қилиш" кабилардан

ташқари деярли барча мақсадлар билан бирика олади. У, одатда, асосий мулоқот мақсадига қўшимча равишда келади ва расмий хатларнинг асосий мақсади сифатида деярли учрамайди (Биз бизнесингизнинг гуллаб- яшнашидан умидвормиз каби).

"Рад этиш" маъносидаги мулоқот мақсади этикет ва рад этишни "силлиқ" кечишига эришиш маъносида "миннатдорчилик билдириш" мақсади билан бирикиб келиши мумкин. "Рад қилиш" маъносидаги расмий хатларда мулоқот мақсадига эришиш учун мақсаднинг индуктив жойлашиши кузатилади. "Рад этиш" маъносини бериш қуйидаги тил бирликлари ёрдамида ифодаланади: "тўғри келмоқда" феълени қўллаб (рад этишимизга тўғри келмоқда каби) ёки "мажбурмиз" шаклидаги сифатдош ёрдамида (рад этишга мажбурмиз).

Расмий хатлар жанрининг биз юқорида таҳлил қилган субжанрлари орасида энг кўп дуч келувчилари - "ахборот хати", "илтимос хати", "сўров хати", "таклиф хати" ва "миннатдорчилик хати". Буларнинг орасида энг кўп учрайдиганлари "ахборот хати", "илтимос хати" ва "миннатдорчилик хати" ҳисобланади. "Миннатдорчилик хати", энг кенг тарқалган субжанр ҳисоблангани ҳолда, жуда кам ҳолларда тижорат хатларининг асосий мақсади сифатида келади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкин-ки, нутқ жанрлари назарияси нуқтаи назаридан, расмий хатлар нутқий феъл атворнинг стереотипи бўлиб, нисбатан тематик, композицион ва стилистик жиҳатдан асрлик давомида тўпланган тажриба намуналаридан энг мақбуллари танлаб олиш натижасида яратилган матн тури сифатида қаралиши мумкин. Шунингдек бундай турдаги хатлар матни коммуникатив вазиятларга, мулоқот мақсадига боғлиқ ҳолда тузилади ва хат муаллифи ҳамда адресатнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ ҳолда бўлади. Хизмат хатларидаги субжанрлар иерархик тузилишга эга бўлиши мумкин. Хат муаллифининг асосий ёки ёрдамчи бўлган мулоқот мақсадларига ва мазкур мақсадларнинг ўзаро бири билан уйғун ҳолда ифодаланиши ҳам муҳим жиҳат ҳисобланади.

Расмий хатларнинг қабул қилувчиларни бундай хатларнинг "ҳаммуаллифлари" сифатида қараш мумкин, зеро адресант ва адресатнинг ижтимоий ҳолати, жамиятдаги мақоми ва ўзаро муносабатлари хатнинг мазмунига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади. Юқорида таъкидланган жиҳатлар бизнес соҳасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйишда, шунингдек расмий хатларни ёзишга қўйилган асосий мақсадга муваффақиятли равишда эришишда муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Бахтин 1997 - Бахтин М. М. Язык в художественной литературе. // Собрание сочинений в 7 томах. М., 1997. - Т. 5, с. 306.

2. Кожина, М. Н. О речевой системности научного стиля сравнительно с некоторыми другими: учебное пособие. - Пермь, 1972. - 395 с.

3. Кожина, М. Н. О специфике художественной и научной речи в аспекте функциональной стилистики / М. Н. Кожина. - Пермь: Пермский гос. ун-т им. А. М. Горького, 1966. - 210 с.

4. Рахманин, Л. В. Стилистика деловой речи и редактирование служебных документов: / Л. В. Рахманин. - 3-е изд., испр. - М. : Высш. шк., 1988. - 238 с.

5. Рогова, К. А. Синтаксические особенности публицистической речи / К. А. Рогова. - Л. : Изд-во Ленинград. ун-та, 1975. - 71 с.

6. Салимовский В.А. Смысловая структура научного текста в отношении к

дотекстовым единицам // Очерки истории научного стиля русского литературного языка XVIII-XX вв. Пермь, 1996. Т.2., ч.1.

7. Седов К.Ф. Человек в жанровом пространстве повседневной коммуникации // Антология речевых жанров: повседневная коммуникация. М.: Лабиринт, 2007. С. 7-39

8. Тарасенко Т.В. Этикетные жанры русской речи: благодарность, извинение, поздравление, соболезнование: Дисс. ... канд. филол. наук. Красноярск, 1999.

9. Формановская Н.И. Вы сказали: Здравствуйте! (Речевой этикет в нашем общении) 3-е изд. - М.: Знание, 1989. - 160 с.

10. Шмелев, Д. Н. Русский язык в его функциональных разновидностях: (к постановке проблемы) / Д. Н. Шмелев. - М.: Наука, 1977. - 167 с.

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000